






Биоиклимли ертўлада олма ва картошка сақлаш

Етиштирувчилар учун тавсия



Биоиклимли ертўлада олма ва картошка сақлаш
Етиштирувчилар учун тавсия

Ашуров Абдухалил
Хавер Можег
Кристина Ориол
Ботур Ҳамзаев
ва
Бобомурод Қундузов

Ўзбек тилига таржима
Замира Рустамова

Рассом
Фаррух Неъматзода

Тарроҳ
Фарида Юнусова

Ушбу материал Европа Иттифоқи, Голландия Ички Ишлар Вазирлиги, Европа аёллар Иттифоқи Келажак Учун ташкилотлари томонидан маблағ таъминланиб, нашр қилинган.

Ушбу материал мазмуни Европа Иттифоқи, Голландия Ички Ишлар Вазирлиги, Европа аёллар Иттифоқи Келажак Учун ташкилотлари нуқтаи назарини акс эттирмайди.



Ministry of Foreign Affairs of the
Netherlands





Биоиклимли ертўлада олма ва картошка сақлаш

Етиштирувчилар учун тавсия

geres

2013



СЎЗБОШИ

2011 йилда маҳаллий жамият ташкилоти Нов ТЖҚА ва ГЕРЕС халқаро ташкилоти томонидан Суғд вилоятидаги Айний ноҳиясининг Фондарё жамоати ва Ашт ноҳиясининг Ошоба жамоатида биоиклимли омборхоналар қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича бир қатор ишлар йўлга қўйилди. Лойиҳа 2013 йилда охирига етиб, уни амалга ошириш давомида 46-та фермерга мева ва сабзавотларни сақлаш шароитларини яхшилаш бўйича ёрдам берилди ва 90-та фермерлар мева ва сабзавотларни сақлашни бошқаришга оид ўқув тренингларида ўз билим ва малакаларини оширишди.

Ушбу китобча биоиклимли омборхоналарни ишлатиш, ҳосилни сақлаш орқали маҳсулдорлик ва даромадни ошириш бўйича қўлланма сифатида хизмат қилади.

Мазкур китобчада келтирилган маслаҳатлар устувор қишлоқ хўжалиги принциплари асосидадир.

Устувор қишлоқ хўжалигининг мақсади – аҳолини сифатли озуқа билан таъминлаш ва шу билан бирга табиий заҳиралардан (тупроқ, сув, ҳаво) оқилона фойдаланишдир.


МУНДАРИЖА

Мавзу 1	Қишда сақланадиган сабзавотлар (картошқадан ташқари): турп, шолғом, сабзи ва лавлаги етиштириш	4
Мавзу 2	Олма етиштириш	5
Мавзу 3	Олма дарахтини буташ: асос	10
Мавзу 4	Картошка етиштириш	12
Мавзу 5	Маҳсулотларни саралаш (сортировка) ва биоиқлимли омборхонага жойлаштириш	14
Мавзу 6	Ертўла ёки омборларга захира қилиш	15
Мавзу 7	Омборни тайёрлаш	16
Мавзу 8	Захира қилиш	18
Мавзу 9	Омборни ички микроиқлимни бошқариш	20
Мавзу 10	Сақлаш давомида юзага келадиган қийинчиликлар: касалликлар ва зараркунандалар	22
Мавзу 11	Мева ва сабзавотларни захира қилиш ва сақлаш учун бизнес режа	23

Мавзу 1

ҚИШДА САҚЛАНДИГАН САБЗАВОТЛАР (КАРТОШКАДАН ТАШҚАРИ): ТУРП, ШОЛҒОМ, САБЗИ ВА ЛАВЛАГИ ЕТИШТИРИШ

Одатий
шароитда



турп



шолғом



лавлаги



сабзи

	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
турп								←→				
шолғом								←→				
лавлаги						←→						
сабзи						←→						

Тоғ шароитида



лавлаги



сабзи

	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
лавлаги					←→							
сабзи				←→								



ҳосилни йиғиштириб олишда
қуйидаги қоидаларга амал
қилиш керак:

- сабзавотларни ёмғирдан
кейин йиғиштираш;




- омборхонада фақат сасимаган, чиримаган соғлом сабзавотларни сақлаш;

↑
ДУРУСТ


↑
НОДУРУСТ

- узоқ муддат учун сақлаш керак бўлса кутилардан фойдаланиш, қисқа муддат учун сақлаш керак бўлса қоплардан фойдаланиш.



Мавзу 2

ОЛМА ЕТИШТИРИШ



Меваги дароҳтларни парваришлаш

- куртақлар ривожланмасдан қишнинг охири ва баҳорнинг бошида дароҳтларни буташ керак (шоҳларни буташга оид мавзуга қаранг)

- дароҳт тупи атрофини гўнг ёки тайёр компост-ли тупроқ аралашмаси билан таъминлаш керак



1 - ГўНГ СЕПИНГ
2 - ГўНГНИ ТУПРОҚ БИЛАН
АРАЛАШТИРИНГ

- Дароҳтлар касалликларга чалинган-да уларни ҳимоя қилиш керак.

Икки кўйидаги давр жуда муҳимдир: гуллаш ва мева тугиш даври;




ГУЛЛАШ ДАВРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Феромонли препаратлардан фойдаланиш: зараркундаларга қарши қўлланилади;


Суғд Агро Сервис ташкилотининг дўконларидан 7-8 сомонга сотиб олиш мумкин.

Бир дона фермон тузоғи 4-5 сотиқ майдонга етади. Дарахтлар гуллашига 1-2 кун қолганда ўрнатиш керак.



4-5 СОТИҚ УЧУН БИТТАСИ КИФОЯ

Қуртлар ва ҳашоротларга қарши ишлатиладиган махсус тайёрланган эритма:



Оҳакдан ва молнинг янги гўнгидан тайёрланади. Дарахт пояларининг таг қисмига бу эритмани суртиб чиқиш керак.

Бу эритма қуйидаги меъёрда тайёрланади- 10 литр сувга – 2 кг оҳак ва 10-20% молнинг янги гўнги.

ГҮНГ – 10 ЛИТР СУВ + 2 КГ ОҲАК

Ҳосилни йиғиб олиш учун меваларни пишганлигини аниқлаш

Мева пишганлигини аниқлаш учун бир неча усулдан фойдаланилади:

- дарахт гуллагандан бошлаб кун саналади: 150-170 кун, бу муддат турли навларда турлича бўлиши мумкин.
- Олма ичидаги уруғларини 50% дан ортиғини қорайишидан ҳам билиб ола бўлади.
- мазасини татиб кўриш орқали ҳам аниқлаш мумкин.
- олма таркибидаги йод ва шакар таркибини текшириб кўриш орқали аниқлаш мумкин.
- олма думчаларини новдалардаги мустаҳкамлигини текшириш орқали аниқлаш мумкин.




Мевалар айнан дарахтни ўзида пишиб етилишини кутиб туриш керак.

Ҳосилни йиғиб олиш

Норвондан фойдаланилиб қайчи ёрдамида мева думчаларини кесиб олиб қопларга солинади;

Ҳосил уч марта териб олинади: аввал тепа шохлардаги мевалар терилади, чунки улар биринчи бўлиб пишади. Кейин ўрта шохлар ва энг охирида пастки шохлардаги мевалар териб олинади.





Териб олинган олмалар сояга тўкиб қўйилиб, сахарда, уларнинг тана ҳарорати совуганида омбор ёки ертўлаларга жойлаштирилади.

Мавзу 3 ОЛМА ДАРАХТИНИ БУТАШ: АСОС

Бошлаш:

Буташ асбоблари ўткир ва тоза бўлиши керак. Агар зарурат бўлса кесиш асбобларини тифларини спирт билан тозалаб олинг. Бу билан турли касалликларни бир дарахтдан бошқасига ўтишини олди олинади.

Дарахтлар яхши новдалаши учун нималарга амал қилиш керак?



Буташ вақти: қишда

Кесишни икки усули мавжуд:

Ёш ва янги экилган дарахтларга шакл бериш учун;


Катта ёшли дарахтларни мева тугиши учун;

Қандай кесиш керак?



ТЎҒРИ

КАЛТА



НОТЎҒРИ

УЗУН

Янги дарахтларни кесиш

Бу сизни эккан дарахтингизга тўғри шакл бериш учун муҳимдир.

Мақсад- дарахт тупини баққуват қилишдир:

- бир бирига яқин ёки бир-бирига ўтиб кетиб ҳалақит бераётган шохларни кесинг.
- Бутоқлар сатҳида кесиш орқали ёш новдаларни тўғри йўналишда ўсишига ёрдам беради.

Катта дарахтларни буташ:

1/ Тозалаш

- дарахтдан кераксиз қувват оладиган ва бекорга соя ташлаётган синган ва қуриган шохларни қирқинг. Шунингдек дарахтни пастки қисмида жойлашган кераксиз шохларни кесинг.


- бир бирига ҳалақит бера ётган шохларни кесиб, тўғри йўналишда ўсган бақувват шохларни қолдиринг.

2/ Ёруғлик тушишини таъминлаш

- ичкарига қараб ўсган шохларни қирқинг. Шундай қилсангиз ёруғлик яхши тушади.
- дарахт танасидан тўғри ўсиб чиққан новдаларни кесинг.

3/ Мева тугиши учун кўмаклашиш.


- асосий новдаларни кесиб дарахт танасига яқин ва яхши ҳосил берадиган ён новдаларни пайдо қилинг.
- новдаларнинг учдан бирини кессангиз мева кўпроқ ширага тўлади ва кўп куртак чиқаради.
- пастки новдалар узунроқ ва юқориги новдалар калта кесилади.



Нотўғри бутоқ қилинган дарахт умуман буталмаган дарахтга нисбатан яхшироқ ҳосил беради. Бора-бора натижа шундай бўладики, буталмаган дарахтдан кам ва сифатсиз ҳосил олинади.

Мавзу 4

КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ




Сақлаш ва захира қилиш учун кечки навларни экиш мақсадга мувофиқдир.

Минтақалар ўртасида уруғлик картошкларни ўзаро алмашиниб туриш, картошка сифати ва ҳосилдорлигини оширади.



УРУҒЛИКНИ АЛМАШТИРИНГ



ЭКИН МАЙДОНИГА ГҲНГ СОЛИНГ

Ҳосилдорликни ошириш:

Баҳорда ўсимликларни ўғитларга талаботи катта бўлади. Айнан шу мавсумда гектарига 10 тоннадан компост солиш керак. Ёки экин экиладиган ерга тупроққа аралашиб чириши учун қиш фаслида гўнги солинади.

Суғориш


Агар қурғоқчилик келмаса, то гуллагунча картошкага сув қуйиш шарт эмас.

Усимлик гуллаганида суғориш ишларини кечиктирмаслик керак.


Барглар қуриб картошка пишишни бошласа суғоришни тўхтатиш керак.



КАРТОШКА ПОЯЛАРИНИ ЎРИБ ОЛИШ



ЕТИЛГАН КАРТОШКАЛАР



Ҳосил териб олиниб далада бир оз нами қочирилади.



СУҒОРИШ

Ҳосилни пишиб етилганлигини аниқлаш

Картошка барглари сарғайиб қурий бошласа ҳосил пишиб етилганидан даракдир.

Бир туп картошкани узиб, тагидан бир донасини олиб туриб пўстини аста қуриб кўриш керак. Агар пўст тезда кўчиб кетмаса, демак ҳосил пишгант.

Ҳосилни йиғиб олиш

Ҳосилни йиғиб олишдан 10 кун олдин барг ва пояларни ўриб олиш керак.

Агар ёғин кўпайиб ер жудаям нам бўлса ҳосилни йиғиштирмай туриш керак



Мавзу 5

МАҲСУЛОТЛАРНИ САРАЛАШ (СОТИРОВКА) ВА БИОИҚЛИМЛИ ОМБОРХОНАГА ЖОЙЛАШТИРИШ

Навларга ажратиш

Олмалар

Олмаларни саралаб, ичидан доғсиз, кесилмаган, шикаст емаган, сасимаган ва қурт тушмаган олмалар териб олиниб, қутиларда сақланади.

Жароҳатланган олмалар тезроқ олиб ишлатиш ёки сотиш учун олдинги ва олишга осон бўлган қутиларга солинади.

Картошка

Картошкаларни саралаб, ичидан доғсиз, жароҳатланмаган, шикаст емаган, сасимаган ва қурт тушмаган картошкалар териб олиниб қутиларда сақланади.



Жароҳатланган картошкалар тезроқ олиб ишлатиш ёки сотиш учун олдинги ва олишга осон бўлган қопларда сақланади.

Қандай қилиб жойлаштирилади?

-- олмалар учун қутилар: гап мевалар ўртасидаги чириш олдини олишнинг энг самарали усули ҳақида боради.

Тахтланган қути қаватлари орасида ҳаво яхши айланишини таъминлаш учун тешиклари катта тахта қутилардан фойдаланиш афзалдир.

Ҳаво яхши айланмаган тешикли картон идишлардан ҳам фойдаланса бўлади.



ОЛМАЛАРНИ ЯШИКЛАРДА САҚЛАНГ

Ҳар бир қутида тақрибан 15-20 кг олма сақлаш мумкин.

Олмалар қутиларга терилганда қаватлари орасига қоғоз қўйиш керак. Бу усул билан бир қаторда чириган мева бўлса, қоғоз қавати ундан ажралиб чиқадиган суюқликни шимиб олиб, бошқа меваларни чиришига йўл қўймайди.

Олмалар тўда-тўда қилиб тўкиб сақланса, улар орасида ҳаво айланмайди ва омборхонадан самарали фойдаланишга имкон бермайди. Натижада мевалар тез чириши ва омборхонанинг ички майдони тез тўлиб қолиши мумкин.

Жамоатларда терак ёғочидан қутилар тайёрлашни йўлга қўйиш керак.

Картошкани қутиларда сақлаш ва захира қилиш афзал.

Яъни бир қутида 15-20 кг дан солиб сақлаш керак.


Агар қутилар омборни пол қисмидан ўтган тешикли қувурлар устига қўйилса яхши бўлади.

Мавзу 6 ЎРАЛАРДА ЁКИ ОМБОРЛАРГА ЗАХИРА ҚИЛИШ

Ўраларда ҳосил қути ва қоплардан кўра тўкиб тўда-тўда шаклида сақлаш ҳосилни яхши ва узоқ сақланишига имкон яратади.

Агар имкони бўлса тўдаланган ҳосил ўртасига ҳаво билан таъминловчи битта қувур қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Картошка ҳаво билан яхши таъминланмаса ҳосил қорайиб, ейишга ва сотишга яроқсиз бўлиб қолади.



Уйнинг тагига қурилган омборлар

- имкони бўлса уйдан алоҳида жойга қуриш керак.

- Омборхонада ҳаво алмашиниши учун: қувурлар ёрдамида ҳавони алмашиниш жарайонини таъминлаш керак (музлатадиган совуқ бўлганда қувурлар оғзи беркитиб қўйилади – камида 2 та юқори қувур, 1 та пастки қувур)

Мавзу 7

ОМБОРНИ ТАЙЁРЛАШ

Омборни зарарсизлантириш (дезинфекция қилиш)

Турли касаллик ва зараркунанда ҳашаротлардан сақлаш мақсадида ҳар йил омборхонани май ойидан то июнгача дезинфекция қилиб туриш тавсия қилинади.

Дезинфекция қилишнинг турли усуллари мавжуд:

***Оҳак** ёрдамида зарарлантириш. Омборни оҳак ёрдамида оқлаш керак.

Бу усул билан омборхона тўлиқ зарарсизлантирилмайди, чунки тешикчалардаги ҳашаротлар тиррик қолиши мумкин.


Унга қора совун қўшилиб қўлланилса қолган ҳашаротларни ҳам йўқ қилишда яхши натижа бериши мумкин.

Оҳакни исталган қурилиш дўконларидан (бир кг оҳак 1 сомонга) сотиб олиш мумкин.




***Олтингургут** ёрдамида зарарлантириш: омборхона эшикларини яхшилаб ёпиш керак

олтингургутни 36 соат давомида тутатиб қўйиш керак,



ОМБОРНИ 36 СОАТ ЁПИБҚЎЙИНГ



Кейин омборхона эшиклари 4-5 кун очиб қўйилади.

Бу усул ҳам яхши натижа беради.

Чунки бунда барча ҳашарот турлари ҳатто тешик ва тирқишларда бўлса ҳам нобуд бўлади.

Дезинфекция ишлари ҳосил йиғиш мавсимида ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Агар омборхоналарда этажеркалар мавжуд бўлса олтингургутдан фойдаланинг.

Олтингургутдан ўраларда ҳам фойдаланилса бўлади.

Омборхонани дезинфекция қилиш жараёнида қутиларни ҳам зарарсизлантириб олиш мумкин.

Омборхона деворларида намлик ва моғорларни йўқ қилиш мақсадида мис купоросидан фойдаланиш керак.

Чириган ва сасиган мевалар сақланган қутиларидан фойдаланмаслик керак.

Мавзу 8

ЗАХИРА ҚИЛИШ

Омборни ўрта қисмида, ердан 1 м баландликга термометр ўрнатиш керак.



ОМБОРХОНА ҲАРОРАТИ +1+5°C
ОРАЛИҒИДА БЎЛИШИ КЕРАК


Захира қилинган ҳосилнинг вазиятини доим назорат қилиб туриш керак: камида бир ойга бир марта.

Чиришни бошлаган ҳосилдан фойдаланиш: олмалардан компот тайёрлаш.

Сабзавот	Ҳарорат	Мувофиқ намлик, %	Этиленга таъсирчанлиги	Сақлаш муддати (ой)
Картошка	5 то 7	90-95	ҳа	6
Уруғлик картошка	2 то 3	90-95	ҳа	6
Сабзи	0 то 3	95+	ҳа	> 3
Пиёз	-2 то 4	70	/	7
Олма	1 то 3	90-95	/	6 то 8
Лавлаги	0 то 3	95+	ҳа	6 то 8
Шолғом	0 то 1	95+	йўқ	5
Турп	0-2	95%	йўқ	6
Хурмо	0 то 1	90-95	йўқ	4-5
Анор	> 5 то 6	90-98	йўқ	6
Қовоқ	10 -12 дан кам	70	/	4 то 6

Ошқовоқни сақлаш учун уни 15 кун давомида 25°С да тутиб туриш керак.

Имкони борича олмани бошқа сабзавотлар билан бир жойда сақламаслик керак. Олма ўзидан этилен чиқаради.



ОЛМА

КАРТОШКА

ОЛМАНИ БОШҚА САБЗАВОТЛАР БИЛАН АРАЛАШТИРМАНГ

Этиленни картошкага таъсири:

- сақлаш муддатини қисқартиради.
 - агар олма ва картошкани бир жойда сақлашга тўғри келса, у ҳолда олмани картошкадан баландроқ жойга жойлаш керак, чунки этилен юқорига қараб ҳаракатланади.
- Энг яхшиси картошкани алоҳида сақлаш керак.


Анорни эса қумлоқ жойда учини юқорига қаратиб териб сақлаш мумкин.

Мавзу 9 **ОМБОРНИНГ ИЧКИ МИКРОИҚЛИМИНИ БОШҚАРИШ**


Омборхона ичидаги ҳарорат ва намликни яхши бошқариш учун термогидрометр асбобидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ҳосилни йиғиб олишдан аввал омборхона ҳарорати:

То ҳосил йиғиб олиниб омборга қўйилгунча омборхона ички ҳарорати салқин бўлиб туриши учун омборхона эшикларини кечаси очиб, кундузи ёпиб қўйиш керак.




ТУНДА ЁПИНГ +



КУНДУЗИ ОЧИНГ

Ҳосилдан сўнг:




КУНДУЗИ ОЧИБ ҚЎЙИНГ

Ташқи ҳарорат омборхона ичидаги ҳароратдан паст бўлганида, омборхона эшигини очиб қўйиш керак.

Ҳосилни оптимал ҳарорат билан таъминлаб туриш учун доимий равишда ҳаво алмашинувига эътибор бериб туриш керак. (жадвалга қаранг)

Агар картошка ва турпнинг музлаб қолиш ҳавфи бўлса омборхона эшикларини ёпиб қўйиш керак.



Гидрометрик ҳолатни идора қилиш

Октябр, апрел ва май ойларида ҳаво тозаловчи қувурларни ҳаммасини очиб қўйиш керак.

Қиш фаслида эса гидрометрик ҳолатни ҳаво алмашинув қувурларини очиб ёпиш орқали, қоидаларга амал қилган ҳолда бошқариш керак.


Агар намлик 95% дан ошиб кетса ҳам тамбур ҳам асосий эшикни очиб қўйиш керак.

Намликни қандай ошириш мумкин?

Полга сув сепиш ёки идишларга сув қўйиш билан амалга ошириш мумкин.

Бўғланиш миқдорини камайтириш учун тешикли қопқоқни ёпиш мумкин.

Тамбурдан фойдаланиш:



1 - АВВАЛ ТАШҚИ ЭШИКНИ ОЧИНГ 2 - ТАШҚИ ЭШИКНИ ЁПИБ ИККИНЧИ ЭШИКНИ ОЧИНГ

Ҳаво билан таъминлаш учун, навбат билан эшикларни бирма-бир очиш керак, яъни бирини очганда иккинчисини беркитиш керак!

Мавзу 10

САҚЛАШ ДАВОМИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАР: КАСАЛЛИКЛАР ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАР

Асосий қийинчилик ҳосилнинг чириши ва зараркунандалардир.

Чириш (замбуруғлар): ботритис (ўсимликни оқ ва қора замбуруғлари), склероций, ризоктония.


Замбуруғлар омборхонада ҳарорат иссиқ ва намлик баланд бўлганида авж олади. Агар меваларда урилган (жароҳатли) жойи бўлса бу замбуруғлар ўша жойда ривожланади. Агар мева пўстини юза қисмида офтоб урган ёки қаҳваранг доғлар бўлса демак бу склеротций ё ризоктония (қуруқ доғлар). Агар ҳарорат кескин ўзгарса олманинг ичи кристалсимон ва шаффоф бўлади.

Санитарик қоидалар

- ҳар ой қутилардан бир нечасини олиб текшириб туриш керак. Агар касалликлар, замбуруғлар ёки чириш одатдагидан кўп кузатилса ҳамма қутиларни кўздан кечириш керак.
- чириган ҳосилни чиқариб ташлаш керак.
- агар музлаш эҳтимоли бўлса картошкани тешкириб кўриш керак, картошка тез музлайди.

Зараркунандаларни камайтириш усуллари

Сичқон ва каламушларга қарши курашда асосан механик усуллар (қопқонлардан) фойдаланиш керак. Маргимушни ишлатишдан эҳтиёт бўлиш керак. Сичқонлар бу дориларни еб меваларга тегиши ва бу инсон организмига тушиши мумкин)



МУШҚАПАҚ (ҚАПҚОН)

Омборхонани яхшилаб маҳкамлаб зараркунандалар киришига йўл қўймаслик керак.

Мавзу 11

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ ЗАХИРА ҚИЛИШ ВА САҚЛАШ УЧУН БИЗНЕС РЕЖА



Бу бизнес режадан қандай фойдаланиш мумкин?

Омборхонадаги ҳар бир мева ва сабзавотни қайд қилиш керак.

- Навларнинг сифатини ва захира қилинган миқдорини аниқлаш керак

Агар мева ва сабзавотлар сифат жиҳатидан навларга ажратилган бўлса, қуйидаги тартибда қайд қилинг, масалан:

Олма, семиринка нави, аъло сифатли

Олма, семиринка нави, сифати иккинчи даражали

- мева ёки сабзавотни сотиш муддатини тахминан аниқлаб қайд этиш (ой)

* сақлашни давомийлигига оид фикр ва мулоҳазалар:

Омборхонада сақлаш сотишга оид вазиятни яхшиладимми?

* агар ойлари давомиди муваффақиятли сотиб борилса, ҳар бир ойдаги вазиятни қайд этиш керак

- талафот кўрган маҳсулотни фоизини қайд этиш

Сақлаш муддати узайган сари талафотлар миқдори ҳам ортиши мумкин!!

- Якуний сотилган миқдорга нисбатан захира қилинган ва бой берилган маҳсулот миқдорини ҳисоблаш керак.

- сотиш учун мақсад қилинган нархни қайд қилиш керак

* қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

- агар нарх кўзланганидан баландроқ таклиф қилинса, танланган мижоз;

- нархлардан доимий равишда хабардор бўлиб туриш мумкин? (масалан шаҳарда сотадиганлардан нархлар ҳақида билиб туриш)
 - агар кўтара сотилса (мисол, бир нечта соҳибкор бирга сотишса) бошқа мижозларни жалб қилиш мумкин

 - агар ҳар хил ойлarda сотилса, ҳар бир ойдаги нархни қайд этиб бориш керак.

 - мижозлар турларини қайд қилиш (ўзи омбордан оладиган, олиб сотарлар, қўшнилари)
- Агар мижозлар кўп бўлса ҳаммасини қайд қилиш керак
- маҳсулотдан олинган якуний даромадни ҳисоблаш керак
 - омборхонани умумий даромадини ҳисоблаш керак.

КЕЛТИРИЛГАН УШБУ ДИЗАЙН 4 ТОННАЛИК БИОИҚЛИМЛИ ОМБОРХОНА УЧУНДИР




Имкони борича сақланадиган мева ва сабзавотларни ертўла деворидан узоқроқ қўйинг

ХАРОЖОТ

		Сомони	Бошланғич инвестиция миқдори (сомони)
Бошланғич инвестиция	Омборни қуришга сарфланган маблағ		
	Ички асбобларга кетган маблағ (кути...)		
		Сомони/йил	Жорий йилдаги умумий харожатлар
Сарфларни йиллик миқдори	Омборни сақлаш (зарарсизлантириш...)		
	Транспортни ижарага олиш		
Сотиш учун транспорт харожоти	Ёқилғи нархи (бензин)		
	Бошқа харожатлар		
	Бошқа харожатлар		

ЙИЛЛИК ДАРОМАД МИҚДОРИ НАҚД ПУЛ ҲИСОБИДА

Йиллик нақд даромад: сотувдан тушган йиллик умумий даромад – жорий йиллик харожат	
Инвестицияни ўзини қоплаш муддати (йиллар)	





GERES - ТОЖИКИСТОН

Манзил: Тоҷикистон Республикаси, Душанбе шаҳри, Ҳамза Ҳақимзода кӯчаси 79
Телефон: (+992) 37 880 65 64
E-mail: tajikistan@geres.eu
Web: www.geres.eu

НОВ ТАРАҚҚИЁТ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АГЕНТЛИГИ

Манзил: Тоҷикистон Республикаси, Хужанд шаҳри, Ленин кӯчаси 20-34
Телефон: (+992 34) 224-53-20; 6-03-62
E-mail: office@agencynau.tj
Web: www.agencynau.tj